# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 23 май, № 103 (6286) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 17 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 15 майда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Электрон тижорат тўғрисида»**ги 613–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 82-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 май
№ ЎРҚ—385

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Электрон тижорат тўғрисида

(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Электрон тижорат**

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

**4-модда. Электрон тижоратнинг асосий принциплари**

Электрон тижоратнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;

электрон тижоратда шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;

электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги;

электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши.

**5-модда. Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати**

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилгандир.

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

(Давоми 2-бетда).

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

*Мамлакатимиз ишбилармонлари Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳар бир банди билан атрофлича танишиб чиқиб, у соҳа тараққиётини янада жадаллаштиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат эканлигини таъкидламоқдалар.*

### ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

**Ҳусан МАЛИКОВ, Янгийўл туманидаги “Гранд эко продукт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари:**

— Эътибор ва рағбат улкан мақсадлар сари етаклаши, шубҳасиз. Шу маънода, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жабҳадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият юритишида муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг мазкур Фармонида белгилаб берилган вазифалар эса бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхонамизда ўтган йили қарийб 1,5 миллиард сўмлик мева ва сабзавот пюреси, томат пастаси, хуштаъм шарбатлар, шунингдек, маринадланган консервалар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулотларимиз сифатли, экологик тоза, нархи эса ҳамёнбоп бўлгани учун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда.



Айни чоғда ташқи бозордаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида қиём ҳамда шарбатларни бежирим шиша идишларга қадоқлаш, мева-сабзавотлардан эса болажонлар учун махсус маҳсулотлар тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этаяпмиз. Бунинг учун таъсисчиларимиз 1 миллиард сўмликдан ортиқ сармоя йўналтиргани қўл келди.

Корхонамизда 60 дан зиёд киши иш билан банд. Уларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг Фармони талабларидан руҳланган ҳолда, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Аруҳан ҚАЙИПБЕКОВА, Кегейли туманидаги “Жайҳун-Кегейли” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Президентимиз биз, тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлаб, меҳнатимизни юксак қадрлаб келаётганидан беҳад мамнунмиз. Яқинда қабул қилинган Фармон эса бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида бизни жуда қувонтирди.

(Давоми 2-бетда).

# Қулай шароит ва рағбат

*Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда модернизация қилиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қонунчилигимизда хусусий мулкнинг устуворлиги таъминланиб, тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилаяпти.*

### АНЖУМАН

Бундай қулай шарт-шароитлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик фазилатини янгича маъно-мазмун билан бойитдики, натижада кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтарувчи асосий кучга айланди. Ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи қамраб олингани бунга асос бўла олади.

Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса тизимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Сабаби, унда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлида учраётган тўсиқ ҳамда чекловларни тугатиш, янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Шу боис мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари томонидан қизғин кутиб олиниб, чуқур ўрганилмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида республика Марказий банки томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Бош прокуратура ҳамкорлигида ўтказилган анжуман ушбу Фармон мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва ёш тадбиркорларга етказишга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).




# ТОШКЕНТ — НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР МЕЗБОНИ

*Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ва “Happy Caravan — 2015” халқаро турнири бошланди. Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақаларда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Аргентина, Испания, Италия, Финляндия, Швейцария, Латвия, Жанубий Африка Республикаси, Малайзия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Болгария, Қатар, Қозоғистон каби давлатлардан келган юз нафарга яқин спортчи иштирок этаяпти.*

### ФАХР

Таъкидлаш жоизки, бундай нуфузли спорт байрамларига мезбонлик қилиш масъулияти яна бир карра Ўзбекистонга ишониб топширилгани бежиз эмас. Халқаро мутахассислар юртимиздаги шарт-шароитларни, мустаҳкам моддий-техник базани, спортга бўлган юксак эътиборни, йирик мусобақаларни ташкил этиш борасида ўтган йиллар мобайнида тўпланган бой тажрибаларни инобатга олиб, ана шундай қарорга келди. Бундан, албатта, ҳар биримиз чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини туямиз.

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, шу асосда жойларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муҳим аҳамият касб этаётир. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу Жамғарма маблағлари ҳисобидан 115 болалар спорти объекти, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди. Спорт мажмуалари замонавий инвентарлар ҳамда малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Бунга айни пайтда мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланаётгани яққол далилдир.

(Давоми 2-бетда).

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги фаолиятини самарали ташкил этишга доир долзарб вазифалар” мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

# Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти ва устувор вазифалар

Унда депутатлар, ҳукумат, вазирликлар ҳамда идоралар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарда жорий йил Олий Мажлис палаталарининг январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан янги сайланган депутатлик корпусига замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, парламент фаолиятини тубдан яхшилаш, хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини янада жонлантириш бўйича қатор устувор вазифалар қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Бинобарин, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларини takomillashtirishга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Тадбирда депутатларнинг сайлов округларидаги ишини сифатли ҳамда самарали ташкил қилиш масалалари, жумладан, сайловчилар томонидан кўтариладиган масалаларнинг тезкор ечилиши механизмлари муҳокама этилди. Қолаверса, сайловчилар билан учрашувларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятида долзарб таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш учун сайловчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда иштирокчиларга сиёсий партиялар фракциялари томонидан улар аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини ташкил қилиш бўйича ҳаракат дастури тасдиқланганi ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, депутатларга мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида ҳукумат томонидан олиб борилаётган, хусусан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва коммунал хўжалик соҳаларидаги ишлар хақида ахборот берилди.

Семинар якунида билдирилган фикр ва таклифлар инобатга олинган ҳолда, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Электрон тижорат тўғрисида

(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

**6-модда. Электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у электрон тижорат соҳасида махсус ваколат берган давлат органи (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади) амалга оширади.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон тижорат соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

электрон тижорат соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари**

Махсус ваколатли давлат органи:

электрон тижорат соҳасидаги давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

бошқа манфаатдор давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан биргаликда, ўз ваколатлари доирасида электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

электрон тижоратни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ва уларнинг ижросини таъминлашда иштирок этади;

электрон тижорат соҳасидаги тадқиқотларни ва мониторингни ташкил этади.

Махсус ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Электрон тижоратдаги электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг юридик кучи**

Электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини берадиган ахборот (бундан буён матнда электрон хабарлар деб юритилади) ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилади ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома фақат ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Электрон тижоратда оферта электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Электрон тижорат иштирокчисининг оферта қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоби (акцепт) электрон ҳужжат ёки электрон хабар тарзида ёхуд офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

**10-модда. Электрон тижорат иштирокчиси**

Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс электрон тижорат иштирокчисидир.

Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчисига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чекловлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

**11-модда. Электрон тижорат иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Электрон тижорат иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон тижорат мақсадида ишлаб турган ахборот ресурсларида офертани жойлаштириш (таклиф этиш);

электрон тижоратдаги шартномаларни тузиш йўли билан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ёки олиш;

электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни ахборот воситачиларига сақлаш учун топшириш.

Электрон тижорат иштирокчиси — товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи:

электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда рақобат тўғрисидаги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг сақланишини таъминлаши;

электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

**12-модда. Ахборот воситачиси**

Электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ахборот воситачисидир.

Ахборот воситачилари жумласига қуйидагилар киради:

электрон тижорат иштирокчиларининг электрон ҳужжатлари ва электрон хабарлари айланиши бўйича хизматлар кўрсатувчи телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари;

электрон тижорат иштирокчиларининг тўлов тизимларидан фойдаланилишини ва тўловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи банклар;

электрон ярмаркалар, кимошди савдолари ва танловлар ташкил этилишини амалга оширувчи юридик шахслар;

электрон тижорат иштирокчиларининг электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар.

Ахборот воситачилари жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа юридик шахслар ҳам киритилиши мумкин.

**13-модда. Ахборот воситачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ахборот воситачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида шартнома асосида электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш;

электрон тижорат иштирокчиларига кўрсатиладиган хизматлар шартларини белгилаш.

Ахборот воситачиси:

электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиши;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслиги (бундан электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳоллар мустасно);

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ҳамда шахсга доир маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминлаши;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга юбормаслиги (бундан қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар мустасно) шарт.

Электрон тижорат иштирокчиларининг ахборот воситачиси орқали юборилаётган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарлари мазмуни билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий оқибатлар учун ахборот воситачиси жавобгар бўлмайди.

Ахборот воситачиси қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

**14-модда. Электрон тижоратдаги шартнома шартлари**

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтганидан кейин эса мазкур электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

**15-модда. Электрон тижоратдаги шартномани тузиш ва бажариш**

Электрон тижоратдаги шартнома акцептни амалга ошириш йўли билан:

электрон ҳужжат тарзида;

электрон хабар тарзида;

офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш орқали тузилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

Электрон тижоратдаги шартномани бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилиши мумкин.

**16-модда. Электрон тижоратда офертага қўйиладиган талаблар**

Электрон тижоратда оферта:

оферта қилувчи электрон тижорат иштирокчисининг тўлиқ номини;

оферта қилувчи электрон тижорат иштирокчисининг почта ва электрон манзилини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни (лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг рақами, амал қилиш муддати, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришга ваколатли органнинг номи);

электрон тижоратдаги шартномани тузиш тартибини;

электрон тижоратдаги шартнома шартларини келишиб олиш чоғида унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконияти ҳамда тартибини;

акцептни юбориш ва чақириб олиш тартибини;

товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш ва уларга ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек улар учун таклиф этилаётган нархларни (тарифларни);

ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли қайдларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Электрон тижоратда оферта қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**17-модда. Электрон тижоратда давлат харидлари ва корпоратив харидларни амалга ошириш**

Электрон тижорат доирасидаги давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**18-модда. Электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш**

Агар тарафларнинг келишувида ва (ёки) қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан шартнома мақсадидан ўзга мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Шахсга доир маълумотлардан офертани ва (ёки) рекламани тарқатиш, шу жумладан электрон ҳужжатларни ёки электрон хабарларни оммавий тарзда юбориш орқали тарқатиш учун ушбу маълумотлар эгасининг розилигисиз фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**19-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон тижорат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**20-модда. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

# ТОШКЕНТ — НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР МЕЗБОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли тизим шакллантирилган. Мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўғил-қизлар ўртасидаги “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш, айни пайтда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳам хизмат қилаяпти.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон бундай йирик спорт анжуманларига кўп бор мезбонлик қилган ва юксак ташкилотчилик салоҳиятига эга экани билан халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилган. Жумладан, бадиий гимнастика спорт турини оладиган бўлсак, бир неча йиллардан бери Жаҳон кубоги босқичлари, шунингдек, Осиё чемпионатлари зўр муваффақият билан уюштирилмоқда. Бундан ташқари, 2012 йилда Тошкентда Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеяси, 2014 йилда эса Халқаро гимнастика федерациясининг 80-конгресси ўтказилди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон дунё гимнастика марказларидан бирига айланди.

...2015 йил, 22 май. Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактаби саройи мазкур нуфузли мусобақаларнинг очилиш маросими муносабати билан байрамона безатилган.

Чорлов садолари остида майдонга Жаҳон кубоги босқичи ва “Happy Caravan” халқаро турнири қатнашчилари кириб келади.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Л. Каримова-Тиллаева халқаро мусобақаларни очиқ деб эълон қилди.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар спорти, хусусан, унинг нафис тури бўлмиш бадиий гимнастика жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Сабаби, ушбу спорт тури қизларнинг соғлом бўлиб улғайишига, иродасини мустаҳкамлашга ёрдам беради, олдига қўйган мақсади сари дадил интилишга ўргатади. Мусиқага бўлган қизиқишини ошириб, маънавий оламини бойитади. Мана шу омиллар эътиборга олиниб, жойларда мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Айтайлик, республикамизнинг барча вилоятларида гимнастика марказлари ташкил этилган. Бу борадаги эзгу ишлар йилдан-йилга кенг қулоч ёзмоқда. Хусусан, пойтахтимизда Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактаби фаолиятининг йўлга қўйилгани Ватанимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қила оладиган истеъдодларни тарбиялашга яна бир туртки берди.

Юксак даражадаги бундай ғамхўрликлар самараларини кўплаб иқтидорли бадиий гимнастикачилар етишиб чиқаётгани, улар бир қанча нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунончи, 2010 йилда Хитойда ўтказилган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида терма жамоамиз қизлари кучли рақобатда иккинчи ўринни эгаллади. 2013 йили Тошкент шаҳрида уюштирилган навбатдаги қитъа биринчилигида эса терма жамоамиз ғолибликка эришди. Ўтган йилнинг февраль ойида Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз 4 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ташкил этилган XVII Осиё ўйинларида эса гимнастикачи қизларимиз олтин медалга сазовор бўлгани спортимиз тарихидаги муҳим воқеалар сирасига киради. Ушбу нуфузли мусобақада Жамила Раҳматова, Анастасия Сердюкова, Валерия Давидова ва Равиля Фархутдинова юқори тайёргарлик ҳамда ғалабага бўлган катта иштиёқни намойиш этди. Уларнинг ҳалқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Вакилларимиз жамоавий баҳсларда қитъамизнинг етакчи спортчиларини доғда қолдиришди.

Тошкентда бошланган навбатдаги Жаҳон кубоги босқичида иштирокчилар яккалик ва гуруҳ баҳсларида арғамчи,



ҳалқа, тўп, булава, тасмада машқ бажариш ҳамда кўпкураш бўйича ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Жаҳон кубоги босқичида Зарина Қурбонова, Самира Амирова, Луиза Ғаниева, Марта Ростобурова ва Валерия Давидовадан иборат Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилса, шахсий чиқишларда Жасмин Юсупова, Нилуфар Шомуродова, Анора Давлатова, Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Равиля Фархутдинова медаллар учун баҳс олиб боради.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Happy Caravan” халқаро турнирида эса Ўзбекистон, Япония, Эстония, Малайзия, Молдова ва бошқа давлатлардан келган ёш истеъдод эгалари ғолиблик учун ўзаро беллашади. Мазкур мусобақанинг жамоавий машқларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қатнашса, шахсий чиқишларда Сабина Тошкенбоева, Алексия Киселёва ўз имкониятини синаб кўради.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нега деганда, ушбу ҳужжатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобига ишбилармонларга кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Фармонга биноан, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида “бир дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Айниқса, унда молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги ва бундай текширувлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олиши лозимлиги қатъий кўрсатиб қўйилгани айни муддао бўлди.

Биз бундан тўрт йил муқаддам банк ажратган 85 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига хориждан замонавий дастгоҳлар харид қилиб, тикувчиликка ихтисослаштирилган корхонани ишга туширган эдик. Кейинчалик аҳолига маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни ҳам йўлга қўйдик. Натижада ишчиларимиз сони 50 нафарга етди.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз, табиийки, юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг янги Фармони ижроси эса ютуқларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

# Қулай шароит ва рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилдики, мазкур ҳужжатда банк тизими зиммасига ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш бўйича бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Дастлаб шундан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ишлар, унинг самаралари ҳақида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, юртимизда кейинги йилларда кредитлаш тартиб-таомиллари соддалаштирилиб, қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилгани, банкларда ҳисоб рақами очишда тўлов ундиришнинг бекор қилингани, шунингдек, расмий веб-сайт орқали мурожаат этиш тизими йўлга қўйилгани тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини тобора кенгайтирмоқда.

— Президентимизнинг ушбу Фармони тадбиркорлик ҳаракатини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга кенг йўл очиб берди, — дейди Тошкент шаҳридаги “Biolife Cosmitecs” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шаҳноза Сиддиқова. — Чунки унда ишбилармонлар фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашишга чек қўйиш бўйича аниқ вазифалар қайд этилган. Яъни эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширув режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан, уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади.

Анжуманда Марказий банк мутахассислари Фармонда белгиланган янгиликлар, имтиёз ва енгилликлар, ўз навбатида, кичик бизнесга янада кўпроқ молиявий кўмак беришни тақозо қилаётганига тўхталдилар. Шунинг учун бу соҳага йўналтирилаётган сармояларни кўпайтириш, тадбиркорларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, албатта.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Март ойида Ирландияда ишсизлик даражаси 9,9 фоизгача пасайди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

### Энг яхши кўрсаткич

Бу сўнгги олти йил ичидаги бандликка оид энг яхши кўрсаткичдир. Биринчи чоракда мамлакатда 12,5 мингта иш ўрни яратилган.

Айтиш жоизки, 2012 йилнинг бошида Ирландияда ишсизлик даражаси 15,1 фоизни ташкил этган эди. Сўнгги бир ярим йил ичида иқтисодиётда кузатилган жадал ўсиш суръатлари янги иш ўринлари яратиш имконини берган.

### Иқтисодий ўсиш кузатилди

*Жорий йилнинг биринчи чорагида Германияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,1 фоиз ўсди.*



Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги мамлакат Федерал статистика хизмати (Destatis) маълумотларига таяниб, хабар тарқатди. Эришилган натижа экспертлар прогнозидан қисман кўп. Қолаверса, Еврокомиссия ҳам ушбу даврда Германия ва Испания ялпи ички маҳсулотида ижобий кўрсаткичлар қайд этилишини билдирган эди.

2015 йил якунлари бўйича Германияда инфляция даражаси 0,3, келгуси йилда эса 1,8 фоизни ташкил этиши мумкинлиги айтилмоқда.

### Узоқ кутилган даромад

*Буюк Британиянинг "Marks & Spencer" ритейлери тўрт йил деганда биринчи марта даромад олишга муваффақ бўлди.*




Ушбу имкониятдан фойдаланиб, ташкилот акциядорлар томонидан йўналтирилган ортиқча маблағларни қайтаришга ваъда берди. Кийим-кечаклар, уй жиҳозлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи "Marks & Spencer" март ойида якунланган навбатдаги молиявий йилда 661,2 миллион фунт стерлинг миқдорида даромад кўрган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 6,1 фоиз кўп.

Ўз навбатида, ритейлер акциялар учун тўланадиган дивидентлар ҳажмини 5,9 фоиз оширди.

### Самодаги топилма

*"NASA" олимлари энг ёрқин галактикани кашф этишди.*

У Ердан 12,5 миллиард ёруғлик йили узоқликда жойлашган бўлиб, Қуёшдан 300 триллион баробар ёрқинроқдир.

Бу топилмани агентлик мутахассислари 2010 йилда "WISE" телескопи ёрдамида олинган маълумотлар асосида аниқлашди.

### Статистика агентлиги хулосаси

*"Sporting Intelligence" статистика агентлиги дунёдаги энг кўп маош тўланадиган клублар рўйхатини эълон қилди.*




Унда Франциянинг "Пари Сен-Жермен" клуби биринчи ўринни эгаллади. Ушбу жамоа футболчиларига йилига ўртача 8 миллион евродан ортиқроқ миқдорда ҳақ тўлайди. Ундан кейинги поғонада эса Испаниянинг "Реал" (Мадрид) клуби қайд этилган. Бу жамоа ўйинчилар маоши учун йилига 7,750 миллион евро йўналтиради.

### Ўргимчак ёмғири

*Май Австралияда ёмғир энг кўп ёғадиган ой ҳисобланади. Лекин бир неча кун аввал мамлакатнинг Янги Жанубий Уэльс штатида табиатда камдан-кам кузатиладиган ҳолат юз берди.*



Гап шундаки, Гоулберн шаҳри осмонидан ёмғир ўрнига ўргимчаклар ёққан. Натижада кўчалар, ҳовлилар ва уйларнинг томлари шу турдаги миллионлаб жониворлар билан тўлиб кетган. Табиийки, ушбу ҳодисадан маҳаллий аҳоли довдираб қолди. Шу боис улар турли ижтимоий тармоқлар орқали мутахассисларга мурожаат қилиб, воқеага изоҳ сўрашган.

Олим Кит Бастерфильднинг айтишича, ҳар йили май ва август ойларида янги туғилган ўргимчаклар иложи борича дарахтларнинг тепа қисмига чиқиб жойлашади. Ана шундай вақтда шамол уларни турли томонларга учириб кетади. Шу тариқа ўргимчаклар мутлақо бошқа ҳудудларга бориб тушади.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

ИНТИЛИШ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан нефть-газ саноатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур тармоқ иқтисодиётимизнинг локомотивларидан бирига айланди. Айниқса, соҳага ихтисослаштирилган кўплаб замонавий мажмуалар ишга туширилгани табиий бойликларни қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилғи сифатини тубдан яхшилаш, атмосферага зарарли газлар чиқишини кескин камайтириш имконини бераяпти.*

# КЎЛАМЛИ ФАОЛИЯТ, ЮКСАК НАТИЖА

Қўлга киритилган муваффақиятлар янада мустаҳкамланиши, янги лойиҳаларнинг кўнгилдагидек амалга оширилиши, энг муҳими, мавжуд корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишида эса "Maxsusenergogaz" акциядорлик жамиятининг муносиб ҳиссаси бор. Кўп йиллик тажрибага эга ушбу корхона жамоаси нефть-газ соҳаси корхоналари ҳамда конларда қозонхона ва технологик қурилмаларни ишга тушириш, уларни созлаш ва таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси тизимидаги деярли барча хўжалик юритувчи субъектлар ушбу жамиятнинг техник ёрдамидан фойдаланаётир. Кейинги йилларда унинг фаолият кўлами янада кенгайтирилиб, газ ўтказиш қувурлари, хусусан, "Ўзбекистон — Хитой" газ қувурининг компрессор ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва авария ҳолатида таъмирлаш вазифасини ҳам зиммасига олгани диққатга сазовор. Натижада юқори малакали ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли фойдаланишга топширилган ускуналарнинг ишончли ишлаши таъминланмоқда.

— Жамиятимиз энг замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланганини юртимиздаги саноат корхоналари, шу жумладан, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда уни етказиб бериш билан шуғулланадиган субъектларга кенг кўламли муҳандислик хизматлари кўрсатиш имконини яратаяпти, — дейди бошқарув раиси Олимжон Убайдуллаев. — Масалан, иссиқлик энергетикаси ускуналари, қозонхона қурилмалари, сувни кимёвий тозалаш тизимлари, турли қувватга эга сув иситиш ва буғ қозонлари, саноат печлари, қуритиш агрегатлари, газ тортиш агрегатларида ёнғинни ўчириш ҳамда биноларни шамоллатиш, сунъий ҳаво ҳосил қилиш мосламаларини ишга тушириш каби юмушлар шулар сирасига киради. Бундан ташқари, электр узатиш линиялари, газ тақсимлаш станцияларини синовдан ўтказиш ва ишга тушириш бўйича ҳам буюртмалар оламиз. Бунда 1000 кишилик жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўқитилиб, малакаси мунтазам равишда оширилаётгани айни муддао бўлаяпти.

Таъкидлаш керакки, нефть-газ тармоғида иш самарадорлиги ортиб, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигининг таъминланиши кўп жиҳатдан саноат корхоналари ускуналарининг изчил янгиланиши ва уларнинг ишчи ҳолатда сақланишига боғлиқ. "Maxsusenergogaz" корхонасининг фаолияти ана шу мақсадга қаратилган эмасми, унинг ҳамкорлари йил сайин кўпаймоқда. Негаки, бу ерда магистраль газ қувурлари, компрессор станциялари ускуналарида қурилиш-монтаж, пайвандлаш ва изоляция ишларини бажариш, босим остида ишлайдиган сиғимлар қалинлигини ультратовуш ёрдамида ўлчаш, катта сиғимли резервуарларни текшириш ҳамда ҳужжатлаштириш йўлга қўйилган.

— Асосий мақсадимиз мураккаб ишларни тез ҳамда сифатли бажариш, кафолатли хизмат кўрсатиб, ҳамкорлар ишончини қозониш орқали нефть ва газ саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишдир, — дейди О. Убайдуллаев. — Бунинг учун мураккаб технологияларни пухта билиш, саноат корхоналарида дуч келинаётган техник муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш талаб этилади. Шу боис жамоамиз ҳар қандай ишга, аввало, уни чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил қилганидан сўнггина киришади. Бу эса муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда.

Корхона мутахассислари тежамкор лойиҳалар устида иш олиб бораётгани эътиборга молик. Яъни ишлаб чиқариш жараёнида ёқилғи-энергетика ва иссиқлик энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш, энергияни тежашга доир асосий тадбирларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, энергетика аудити, тайёрланаётган маҳсулот ёки ишларга нисбатан энергия сарфини ҳисоб-китоб қилиш ишларини бажармоқда. Ушбу жараёнда тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар ҳам берилаяптики, бу, ўз навбатида, иш самарадорлигини ошириш, иқтисодий кўрсаткичларни муттасил равишда яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби**

**кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади**

- **Санъат тарихи ва назарияси кафедраси:** профессор — 1 ўрин.
- **Хореография кафедраси:** катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
- **Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси:** кафедра мудири.

**Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.**

**Манзил: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 256-33-59, 256-36-91.**
**Факс: (0-371) 256-24-36.**

*Ректорат.*

688А/326

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдоларимиздаги мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: (0-371) 228-80-26.**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

### Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 7 апрелдаги 21-1503/1618-сонли ижро варақасига асосан «Good meal» МЧЖдан хатланган, Навоий шаҳри, саноат-ҳудудий зонаси, Навоий кўчасида жойлашган, ер майдони 467,12 кв.м., умумий майдони 441,24 кв.м. бўлган 22 хонали қаҳвахона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 281 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 26 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 24 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (0-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

### Андижон вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 20 майдаги 17-1307/3056-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Гоголь кўчаси, 19-уйда жойлашган, қурилиш майдони 1088,47 кв.м., фойдаланиш майдони 8135,74 кв.м.дан иборат бўлган, Д-литердаги устахона, Е-литердаги омборхона, Е1-литердаги қоровулхона, И-литердаги қозонхона, Л-литердаги устахона, а-литердаги иссиқхона, таъмирталаб 100 п/м атроф қўрғон девори такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 266 408 489 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар АТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават. Телефон: (0-374) 223-08-53. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

### Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 27 январдаги 15-14-08/20310-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 20-уйда жойлашган ишлаб чиқариш бино-иншоотларининг бир қисми такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 5 декабрдаги 15-14-04/15432-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси, 100-уйнинг 2-қаватида жойлашган савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 257 143 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 12 июнь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

748А/2

Хизматлар лицензияланган.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 16 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Яшнобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 24 майдаги СБ-84/12-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган, умумий майдони 4679 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 074 813 000 сўм.***

**2.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 12 январдаги 1-3/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод кўчасида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 45 010 000 сўм.***

**2015 йил 30 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 23 февралдаги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/2-уйдаги 20-хонадон, умумий майдони — 214,08 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 474 959 220 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уйдаги 10-хонадон, умумий майдони — 167,88 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 378 655 347 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уйдаги 18-хонадон, умумий майдони — 114,60 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 258 481 670 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уйдаги 19-хонадон, умумий майдони — 258,12 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 582 192 745 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уйдаги 20-хонадон, умумий майдони — 219,94 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 496 077 299 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда, соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

750А/34

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва унинг таркибидаги инфратузилмалар меҳнат жамоалари ассоциация бош директори Сайдулло Абдуллаевга ўғли

**Шерзод АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Трансйўлқурилиш" компанияси жамоаси Нукус филиали кўприк қурилиш бўлим бошлиғи Шавкат Давлетяровга падари бузруквори

**Кидирбай ДАВЛЕТЯРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

> ***Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!***
> ***Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!***
>
> **Ислом КАРИМОВ**



# ЭНГ ГУЛЛАГАН Ёшлик ЧОҒИМДА

ШИЖОАТ

*...Зангиота туманидаги “Масалбой” қишлоқ фуқаролар йиғини идораси хийла ичкарироқда экан. Ҳамроҳимиз — шу ерлик нуронийлардан бири Собир Қаюмов йўл-йўлакай ҳамқишлоқлари эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб бораркан, жиндай мутойиба қилиб қолди.*

## Оқибатли одамлар орасида

— “Гиннеснинг рекордлар китоби” ҳақида эшитгансиз. Ер юзида “энг” билан бошланадиган нимаики қизиқ гап бўлса, барчаси шу ерда. Эҳ, аттанг, ҳали бу китобга тушмаган жойлар, кирмаган номлар кўпда. Масалан, биз, масалбойликларга қолса, шу китобни “энг ёш қишлоқ оқсоқоли” деган яна бир муҳим маълумот билан бойитсак, деймиз...

Ҳамроҳимиз ҳазили сабаб бўлиб, худди шу қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилаётган Жаҳонгир Ғиёсов фаолияти билан қизиқиб қолдик. Навқирон қишлоқ раиси ва у бошчилик қилаётган ҳудуд тимсолида мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими — қишлоқ, маҳалла деган ноёб институтнинг одамлар ҳаёти, турмуш тарзидаги ўрни беҳиёя катта эканига яна бир карра амин бўлдик.

— Икки йил аввал қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига тавсия қилишганда, қандоқ бўларкин, деб иккиландим, — дейди Жаҳонгир. — Ҳар куни минглаб одамларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туриш мен каби ҳали ҳаётнинг пасту баландини кўрмаган йигит учун осон эмасди-да.

> Иш бошлаган кезларим Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата айтган жуда кўп гапларидан куч, илҳом олдим. Ватанга бўлган меҳр ишончимни оширди. Қолаверса, қишлоқдошлар меҳри, қўллаб-қувватлаши бир ғайратингга ўн ғайрат қўшаркан.

Ҳар қандай мушкул вазифада ҳам шуларга суяниб, кўпни кўрган нуронийларимиз панд-насиҳатларига амал қилиб, иш кўраяпмиз. Буёғини сўрасангиз, қишлоғимиз одамлари аҳил, меҳр-оқибатли. Ҳунармандчилик, боғдорчилик, гулчилик, чорвачилик дегандай, ҳар бир оиланинг ўз даромад манбаи бор.

Айтгандек, тунов куни оқсоқолларимиз йиғилишида ҳисоблаб чиқдик. Қишлоғимиз спортчи ёшларининг олган медаллари сони 100 тадан ошибди. Ўндан зиёд ўсмиримиз кураш бўйича халқаро мусобақалар ғолиби экан. Охирги бир йил ичида қишлоғимизда ўндан ортиқ оилавий корхона иш бошлаб, уларда ёшларимиз учун салкам 100 та иш ўрни яратилибди.

Дарҳақиқат, Марҳабо Мамадалиева, Саодат Жабборова каби қишлоқ чеварлари очган тикувчилик цехларининг ҳар бирида 15-20 нафардан, тадбиркорлар Рихсивой Мажидов, Мавлон Бозоровнинг терини қайта ишлаш, спорт сумкалари тикишга ихтисослаштирилган кичик корхоналарида ҳам 10-15 нафардан ёшлар ишли бўлди. Фермер Жўравой Маҳаматов яқиндагина Германиядан 66 бош зотдор қорамол олиб келиб, ўз чорвачилик хўжалигини кенгайтирди.

— Давлатимизнинг беқиёс ғамхўрлиги билан қишлоғимиз аҳлининг маиший турмуш шароитлари янада яхшиланаяпти, — давом этади раис. — Бу йил қўшимча 2,5 километрлик юқори босимли газ қувурлари тортилиши билан 400 дан ортиқ хонадонимизда табиий газ таъминоти яхшиланди. Нурҳаёт маҳалламизда эса ўнлаб ёш оилалар кўчиб ўтган янги хонадонларга зилол сув кириб борди. Айни пайтда Заргар маҳалламизга ҳам таъминотни яхшилаш мақсадида ичимлик суви тармоқлари ётқизаяпмиз.

...Шу ерга келганда мобиль телефоннинг туйқус қўнғироғи суҳбатимизни бўлади.

— Нодиржон Баҳромов, — изоҳ берган бўлди Жаҳонгир телефонда ким билан-дир қисқача гаплашиб олгач. — Ўтган йили коллежни битириб, оилавий корхона очганди. Ҳозир тўрт-беш тенгқурини ёнига олиб, замонавий профиллардан бежирим эшик-ромлар тайёрлаяпти. Кеча “Кредит олсам, цехимни кенгайтирсам”, деб келувди. Жуда яхши, банкка бирга борамиз, деб ваъда бергандим...

Нодиржоннинг ишлари бароридан келсин, деб хайрлашдик.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Она учун фарзанд камоли, ютуғини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Мана, Қоракўл туманидаги “Оқолтин” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Жўрақуловлар оиласи бунга мисолдир. Ушбу хонадон соҳибаси Норгул опа тўнғич фарзанди Суҳробни қўшни давлатга — халқаро олимпиадага жўнатар экан, “Сендан умидимиз катта”, дейишни унутмади.*

## «Ишонч менга қанот бахш этди»

Она ишончи болага куч бағишларкан. Қоракўл академик лицейининг битирувчиси Суҳроб Жўрақулов Жаутиков халқаро олимпиадасидан бронза медаль билан қайтди. Унда дунёнинг қатор давлатларидан оз эмас, кўп эмас, 170 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Шу инобатга олинса, ёш математикнинг бу ютуғига тенгдошлари ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

— Математикага жуда қизиқаман, — дейди Суҳроб. — Омадим шундаки, туманимиздаги 52-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ҳам, лицейда ҳам ўз касбига меҳр қўйган устозларим билим олишга бўлган иштиёқимни кучайтиришди. Ҳозир ҳам дарслардан кейин машғулотларни канда қилмайман. Айни пайтда спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топаман. Стол тенниси, футбол, шахмат ўйнашни яхши кўраман.

ҒУРУР

Лицей ўқитувчиларининг айтишича, Суҳроб ўз устида кўп ишлайди. Зийрак, зеҳни ўткир. Заруp пайтда диққатини бир жойга жамлай олади. Қолаверса, унинг оилада яхши тарбия кўргани шундоқ сезилиб турибди.

— Биласиз, билим масканимиздан ўнлаб халқаро ва республика миқёсидаги фан олимпиадалари ғолиблари етишиб чиққан, — дейди лицей директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Нурилла Яҳёев. — Суҳробжон шу анъанани давом эттираётган ўқувчиларимиздан. Унинг ўзини тутиши, дунёқарашига ишониб, тенгдошларига дарс ўтиши мумкин бўлган ўқувчи, дея бемалол айта оламиз. Дарвоқе, Жўрақуловлар хонадонининг яна бир умидли вакили лицейимизнинг биринчи босқичида таҳсил олмоқда. Мен Суҳробжоннинг укаси Шаҳобжонни назарда тутаяпман. У ҳам худди акаси каби математикага меҳр қўйган. Умумтаълим мактабида ўқиётганида “Билимлар беллашуви”нинг республика босқичида ғолиб чиқиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан компьютер билан тақдирланган. Шунингдек, Чимёндаги ёзги оромгоҳда дам олиб, билимларини мустаҳкамлаган. У акасидан ҳам ўзиб кетса, ажаб эмас.

> Яхши ният — ярим давлат. Фанларни пухта ўзлаштириб, ўз ақл-заковати, салоҳияти билан дунёни лол қолдираётган йигит-қизлар сафининг кенгайиши кўнгилда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади, албатта. Бир оиланинг икки иқтидорли фарзанди мисолида эса Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслиги яққол кўриниб турибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Қадри улуғ неъмат

*Авазбек Маҳкамов пойабзал таъмирлаш билан шуғулланади. Касб-ҳунар коллежини тугаллаганидан сўнг, Наманган шаҳри марказида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш мажмуасидан кичик бир устахонани ижарага олди. Мижозлар қўли енгил устанинг ишидан кўнгиллари тўлиб, унга дилдан раҳмат айтишади.*

УСТАХОНАДАГИ СУҲБАТ

Тунов куни унинг дўконига соқоли кўксига тушган отахон қўлида маҳси солинган халтача билан кириб келди. Косибларнинг одати шунақа, қўли ишда бўлса-да, мижозни зериктирмасликка ҳаракат қилади. Бобонинг оёқ кийимини бир сидра кўздан кечириб, айрим жойларини чоклагунча ўтган вақт орасида икки ўртада суҳбат қизиди. Юртимиздаги ўзгаришлар, Наманганнинг бугунги жамоли, ҳамюртларимизнинг бунёдкорона меҳнати ҳақида сўз кетди. Гап гапга уланиб, бобо ўзининг ёшлик чоғларини ёдга олди.

— Жуда оғир замонлар эди-да, — дея хўрсинганича косиб йигитчага кўнглини ёзади отахон. — Оиламиз серфарзанд бўлиб, қорнимиз нонга, устимиз кийим-бошга ёлчимаган. Бугунгидай чиройли туфлилар қаерда эди, мактабга этик кийиб борардик. У ҳам ҳаммада бўлавермас, кўпинча ака-укалар битта пойабзалдан навбати билан фойдаланардик. Баъзан оёқ кийими бир вақтнинг ўзида икки кишига зарур бўлиб қолган чоғдаги тортишув, жанжални қўяверинг. Ҳаёт ҳаминқадар бўлган бундай кунларнинг юзи қурсин, дейман. Ахир шундай дориламон кунлар ҳам келар экан-ку! Бугун ҳали мактабга бормаган невараларимнинг ўзида йил фаслларига мўлжалланган бир неча жуфт пойабзал. Боғчага унисини қўйиб, бунисини кийиб боради. Болалар ҳам замонга қараб, ўсиб-улғаяр эканда. Учинчи синфда ўқийдиган Заҳро исмли неварам бор. Бирам қақажон, худди катталардай фикрлашидан ҳайратга тушаман. Мактабда компьютер, инглиз тилини ўргатишаётганидан хурсанд.

Пешонамизнинг ярқирагани, энг аввало, юртимиз мустақил бўлгани, халқимизнинг ҳалол меҳнат билан топган-тутгани ўзига, тўй-тўйчиқларни ўтказиш, бири-биридан чиройли иморатларни қуриш, фарзандини ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришга буюраётганида. Бундай замоннинг бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди. Сизу бизга қолаётгани фаровон турмуш кечиришимиз учун яратилган моддий ва маънавий неъматларни асраб-авайлаш, озод ва обод Ватанга муносиб инсон бўлиш.

Отахоннинг гаплари охирлаган чоғда Авазбек маҳсини таъмирдан чиқариб, бир сидра мойлаб бўлган эди. У буюртмани бажариб, яна бир кишининг кўнглини олганидан дилида қониқиш ҳосил қилди. Ўз навбатида, бобонинг хотираларидан таъсирланиб, ўзининг бугунгидай тўкин-сочин замонда севган касбидан ҳалол ризқ топиб, ҳеч нарсадан камлик кўрмай яшаётгани учун “Ҳар бир кунимизда ибрат бор. Отахон тўғри айтадилар, бундай кунларнинг қадрига етиш ҳаммамизнинг бурчимиз”, деб қўйди ўзига ўзи.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ.**

ДИЛ СЎЗИ

*Мен мустақиллик фарзандиман. Шу юртда униб-ўсаётган бахтиёр ёшлардан бириман. Бахтимиз шундаки, биз, ёшларнинг пухта билим эгаси, ўзимиз танлаган соҳа бўйича малакали мутахассис бўлишимиз учун қулай шарт-шароит яратиб берилган.*

## Тинчлик учун ҳар биримиз масъулмиз

Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрлиги, биз, ёшларни фарзандларим, деб эъзозлаши, қолаверса, мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамлик туфайлидир. Давлатимиз раҳбари 9 май куни пойтахтимизда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳондаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни билдирдилар. Бу



мулоҳазалар ҳар бир тенгдошимизни ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янада сергаклик билан қарашга, қолаверса, шундай дориламон ва осуда кунларимизни қадрлашга ундайди. Мен осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни чуқурроқ англаб етдим.

Улуғ аждодларимизга муносиб тарзда яшаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш — чинакам комиллик белгиси. Ота-боболаримиз эришган муваффақиятлар калити ақлу фаросат бўлганлиги тарихдан маълум. Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам қиличу қалқондан кўра заковатни устун қўйишган. Биз мана шундай беназир алломаларнинг бетакрор мероси эъзозланиб, навқирон авлод вакилларига ўрнак қилиб кўрсатилаётган юрт фарзандларимиз. Шу боис Президентимизнинг буюк аждодлар хотирасига билдираётган юксак эҳтироми ҳар томонлама ибратлидир.

**Камола ҚУРБОНОВА,**
**спорт устаси.**



## Мумтоз наволар сеҳри

*Зиёлилар оиласида туғилганман. Яхши эслайман, уйимиздан ҳар доим мумтоз қўшиқлар эшитилиб турарди. Бобом, айниқса, бундай наволарни алоҳида меҳр билан тинглар, эскигина магнитофонимиз олдида ҳофизларимизнинг кассеталари тизилиб турарди. Кўп кузатардим: бобом ҳам, отам ҳам бирор юмуш бажараётган бўлсалар, албатта, хиргойи қилардилар. Бундай муҳит менда санъатга бўлган иштиёқни шакллантирди. Шу тариқа мумтоз қўшиқларни куйлаш севимли машғулотимга айланди.*

Мактабдаги тадбирларда, турли кўрик-танловларда, фестивалларда қатнашиб, қўшиқ айтадиган, кўпчиликнинг эътирофини эшитадиган бўлдим. Мумтоз қўшиқларни куйлаш учун инсондан мустаҳкам ирода, сабот ва матонат, астойдил меҳнат қилиш талаб этилади. Машаққатлардан чўчимаган киши борки, албатта, мақсадига эришар экан. Мен ҳам “Ниҳол” мукофотининг 2013 йилдаги совриндори бўлдим. Бу давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик, ҳаётимизнинг осудалиги, мен каби йигит-қизлар доимо қўллаб-қувватланаётганининг яна бир амалий ифодасидир. Юқорида айтганимдек, турли тадбирларда қатнашиб, амин бўлдимки, бизнинг саодатманд юртимизда иқтидорли ёшлар доимий рағбатлантирилмоқда. Бундай меҳр ҳамда эътибор ёшларни ўз устида янада кўпроқ ишлаш, ўқиш-изланишга ундайди.

МЕРОС

Ҳозирги кунда Урганч давлат университетида санъат йўналишида таҳсил олаяпман. Хоразм мақомларидан “Сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Нақш сегоҳ”ни маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилаяпман. Айниқса, Навоий, Феруз, Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни севиб куйлайман. Бунда менга устозим, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов яқин кўмакчи бўлаяпти.

Талабалар, умуман, ёшларнинг мумтоз мусиқа ва қўшиқларимизга қизиқишларини ошираяпмиз. Чунки бундай куй-қўшиқлар кишининг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиради, миллий маданиятимизни тарғиб қилишда, ўзлигимизни англашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни аждодларимиз меросига ҳурмат руҳида, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялайди. Миллий мусиқий меросимиз, мақом намуналари, мумтоз наволар инсонни руҳан поклайди, қалбан юксалтиради. Уларни тинглаган инсоннинг қалбида олижаноблик, ирода, сабр-қаноат, ҳалоллик сингари эзгу фазилатлар шаклланади.

Шунинг учун ҳам юрагимдаги туйғулар мени мумтоз қўшиқлар орқали она-юртимни мадҳ этишга, унинг довруғини дунёга таратиш йўлида тинмай меҳнат қилишга, ижодий изланишга, янги, янада мукаммалроқ, халқимизнинг чинакам кўнгил мулкига айланадиган қўшиқларни маромига етказиб куйлашга, тингловчиларга тақдим этишга ундайверади.

**Жайҳунбек МАТМУРОТОВ,**
**«Ниҳол» мукофоти совриндори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5